



Генерал Черняев бу шаҳарни эгаллаш учун тайёргарлик ишларини кўриб озик-овкат, курол-аслаҳа ва бошқа нарсаларни Тошкентта олиб боришни уюштириш вазифасини Алимкули томонидан ўлдирилган Бойкозокбойнинг ўғли Окмуллага топширди. Кўкон кўшинлари артиллерияси ҳам анча яхши уюштирилган бўлиб, унинг тўпларини узокка отилиши ва нишонга тегиши мактовга сазовор бўлган. Шунинг учун ҳам генерал Черняев қандай бўлмасин, тезроқ Кўкон хонлигига зарба берилмаса, кейин енгил оғирлашишини рус ҳукуматининг тегишли вакилларига маълум қилди. Генерал Черняев Чимкентда тайёргарлик кўриб, 1864 йилнинг сентябрида Тошкентни эгаллаш мақсадида йўлга чиқди. Бу вақтда Тошкент мудофааси меҳнаткаш омманинг умумий ҳаракатига айланиб, шаҳар атрофидаги деворларда аскарлар ва халқ кўнгиллари жойлашган эди. Шаҳар аҳолиси она юртини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳисоблаб, мудофаачиларга тинмай ғамхўрлик қилганлар. «Шаҳар ғариблари, фуқаролари ва қариялари, — деб гувоҳлик беради Солиҳ Тошқандий — ибодату номоздан кўра кўлидан келганича ёрдам

бериш афзалрок ва савоб, деб аскарларга, гозиларга сув, озик-овкат ташиб турдилар». Рус аскарлари 1865 йил 1 октябрида Юнус-Обод томонидан шахарга якинлашиб уни тўплардан ўкка тутди. Рус аскарларидан бир гурухи шахар калъасининг атрофида казилган зовурлар ичига тушиб олдилар. Буларга кўшилиш учун бир гурух рус аскарлари чопиб келаётганда уларга карши тўп отилади. Натижада, душман отрядлари оркага чекинди. Шундан кейин шахар мудрофаачиларидан бир кисми зовурга душман устига шиддатли хужум килиб, рус аскарларидан 72 кишини ўлдирдилар. Шу равишда тошкентликлар галаба қозондилар. Генерал Черняев урушни тўхтатишга ва Чимкента қайтишга мажбур бўлган. Шундан кейин Алимкул кўшин билан Тошкентга келиб, бўлажак урушга тайергарлик ишларини амалга ошириб, сўнгга Кўконга қайтади. Хон кўрсатмасига кўра, Тошкент ҳокими номидан Хофизқўхаки маҳаллалик Мухаммад Саид номли савдогарни тинчлик сулҳи тузиш мақсадида элчи сифатида генерал Черняев ҳузурига юборилди. Бирок генерал Черняев сулҳ тузишдан бош тортади ва элчи Тошкентга қайтиб келади. Бу ерда элчи генерал Черняев Бухоро хони Музаффархон билан гуё иттифок тузилганлиги ҳақида гапириб шахардаги айрим кишиларни ваҳимага солиб қуйган. Тошкентда урушга тайёргарлик қундалик ҳаётнинг биринчи вазифаси ҳисобланган. Бу ерда лашкарбоши Алимкул бошчилигида Туркистонни рус кўшинларидан озод қилиш учун тайергарлик кўрилгандан сўнг, аскарлар Шайхонтохурдан ўтиб Сағбон кўчаси оркали Сағбон дарвозасидан «Сарогоч» йулига чиқдилар. Бу юриш 1864 йил ноябрь ойи охирида юз бериб, ҳаво жуда совуқ ва қор егиб турган пайт эди. Аскарлар Туркистонга якин жойга ўрнашган ва Рос-сия тобелигига ўтган «Икон» деган қишлоғида рус отрядини тор-мор этдилар. Бу ердаги халқнинг русларга бўйсунганлиги учун Алимкул буйругига биноан мол-мулки билан Тошкент томонга ҳайдаб олиб кетилди. Алимкул гарчанд галаба қозонган бўлса ҳам, Туркистонга қараб юрмай, «Икон»дан Тошкентга қайтишга мажбур бўлади. Бунга хонликдаги ички зиддият ва кўшимча ҳарбий қучларни тўплаш сабаб бўлган, албатта. Алимкул Тошкентга келган пайтда Черняев томонидан юборилган жосус ушланади. Бу жосус Тошкентнинг амалдорларидан бири Абдурахмонбек Шодмонбековнинг (асли Шахрисабзлик) Черняев номига ёзилган хати билан қўлга тушган. Бинобарин, Черняев маълум кишилар оркали Тошкент ҳақида зарур маълумотларни олиб турган. Абдурахмонбек Тошкентдан қочишга улгуриб, Чимкентга Черняев ҳузурига боради.

Бу вақтда генерал Черняев Тошкентга қайта хужум қилиш тадбирларини тамомлаб, 1865 йил 28 апрелда Чирчик ёнидаги «Ниязбек» қалъасини жанг билан эгаллади. Юқорида қайд қилинган Абдурахмонбекнинг маслаҳати бўйича, шахарни сув билан таъминлайдиган «Қайковус» ариғи тўғонини бузиб уни Чирчик дарёсига буриб юборилади. Бу билан шахарни сувдан маҳрум этиб, уни таслим этиш эди. Бирок шахар халқи мудрофаани мустаҳкамлаб жангга тайер турди. 1865 йилни май ойида Кўкон хони Султон Саид лашкарбоши Алимкул билан Тошкентга етиб келди. Бу ҳолат тошкентликларни руҳини кўтариб юборган. Бу тўғрида Солих Тошкандий шундай ёзган: «Тошкент ҳокимлари, амалдор, сардор, уламо, фуқаро, шайхлар, ғариблар, гадолар, эркак-хотинлар аралаш шодликларидан истикболларига чиқиб, қутиб олдилар». Алимкул шахар саройида йигин ўтқазиб, маҳаллий ҳокимият вакиллари ва кўшин бошлиқларига қарата нутқ сўзлади. Бу йигинда қатнашган Алимкул «Қатта-кичик, бой қамбағал фуқародан ёрдам сўраб бу тўғрида Тошкент ахлининг фуқароларини кўрсатган ғайрат, шижоат ва қахрамонликларини айтиб, уларга ўз миннатдорчилигини ва ҳурсандчилигини изҳор қилиб бир томчи қони қолгунча душманга қарши қурашишга

даъват этди». Алимкул Бухоро амир Музаффархонни коралаб рус кўшинларига карши кураш ишига катта путур етказаетганлигини ҳам гапирган.

Тошкентда хонликнинг Андижон, Кўкон, Наманган, Маргилон ва бошка жойларидан келган кўшинлар Алимкул бошчилигида шаҳар мудофаа линиясини эгалладилар. Сиддик Тўра бошлик Кўкон кўшинининг разведка бўлими душманнинг отлик ва пиёда отряди бир тўп билан Шуратепадан чикиб, «Олтин тепа» оркали Салор суви бўйлаб келаётганлиги хакида Алимкулга хабар келтирган. Шундан кейин Алимкул ўз кўшинларини маълум кисми билан кўрсатилган томонга жўнади. Душман кўшинлари Салор сувидан утиб Кўкон кўшинларига карата тўплардан ўк уздилар, натижада икки томон ўртасида каттик жанг бошланиб кўконликлар хужумга ўтдилар. Бунда Алимкулнинг шахсан ўзи катнашиб жангга рахбарлик килган.

Рус отряди хужумга бардош бера олмай, Шўртепага чекинишган. Бу галаба шаҳарда катта шод-хуррамлик билан карши олиниб карнай-сурнай садолари янграган. «Шаҳар халки 7 ешдан 70 ёшгача эркак-хотин, ёш-кари хизмат камарини белларига боглаб пишган таомларни бошларига кўтариб, катик, сут, шарбат, иссик нонлар, ширин меваларни саватга солиб аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло ва дил-дорлик килишиб кўзларидан хасрат ешларини окизиб, юкоридаги масала бўйича ўз фикрини билдирган. У Султон Саидхонни Бухорога кетишига карши чикиб, хар бир хукмдор уз бурчини бажармаса, у вақтда фукаралар душман кулига асир булиб қолиши мумкинлигини баён этган. Бу фикрга бошка кишилар ҳам кушилиб, «биз ёрдам сўраб хар томонга мурожаат килдик. Эндиликда ёрдамни хох берсинлар, хох бермасинлар бари бир урушни давом эттирамиз деб аҳд килдилар. Тошкентликлар Султон Саидхонга шундай дедиларким шаҳар халки бутун уруш ҳаракатларини уз зиммасига олиб нимаyki зарур булса, ҳаммасини етказиб берадилар». Куриниб турибдики, тошкентликлар қандай булмасин, шаҳарни душмандан ҳимоя қилишга каттик бел боглаган эдилар.

Кунларнинг бирида рус қўшинлари шаҳар қалъасини тўпга тутиб хужум қила бошлаган вақтда уларга карши усталик билан тўплардан шундай жавоб уқи отилдики, натижада душман орқага чекинишга мажбур булган. Шундан сўнг Султон Саидхонни Бухорога юриши хақидаги масала яна қутарилиб, пировардида уни жунатиш ва Бухородан ердам олишга қарор қилинди. Афтидан Султон Саидхонни ўзи ҳам Бухорога бориш истагида бўлган. Шунинг учун у 500 кишилик аскар ва бир тўп билан шаҳардан чикиб кетди.

Шундай қилиб, Кукон амалдорлари ва аскарлари урушни охиригача етказмасдан шаҳар мудофаасини уз хошишларига ташлаб кетган эдилар. Шунга қарамай шаҳар аҳолиси душманга карши курашни давом эттирди. 1865 йил 14 июнида рус аскарлари эрта саҳарда шаҳар қалъасини тўплардан ўкка тутди. Натижада улар Камалак дарвозаси оркали шаҳар ичига ёриб кириб, мудофаачиларнинг отрядлари билан тўқнашдилар. Бундай тўқнашувлар Шайхонтохур, Бешёғоч, Қашкар маҳаллаларида ва бошка жойларда бўлган эди. Хатто, айрим жойларда душманга карши баррикадалар ҳам қурилди.

Масалан, Анхор кўпригининг гарб томони аравалар билан тўсилиб мустаҳкамланди. Айни бир вақтда Анхор енидаги дўконлар ичига мудофаачилар кириб олиб деворлар тешигидан душманга ўк уздилар. Бир ярим соатлик оғир жангдан сўнг рус аскарлари чекиниб, Шайх Шибли ариги оркали қалъа деворининг шимол томонига ўрнашди. Улар чекинаётганида Урдадаги дўконларга ўт қўйиб қочганлар. «Чукур кўприқда» ҳамма қўчаларни ҳам оғзи бекитилиб рус отрядига карши қучлар қўйилган. Айрим рус отрядлари мачитлар ичига кириб олиб урушганлар. Бирок улар ўраб олиниб тор-мор этилган. Шайх Шибли ариги оркали чекинган рус отряди яна Урдага бостириб киришга

харакат килди. Буларга карши Киёт махалласининг ахолиси Абдурахим ясовулбоши бошчилигида деворларнинг оркасига ва пасткам жойларга ўрнашиб мудофаа линиясини эгалладилар. Булар орасида Мирюсуп богбон ўгли, Умархон Тўрахон ўгли, Мирсодик Миршоди ўгли, Нормухаммад ва Мулламир сингари мерганлар, Муллажон Мусомухаммад Али бобо подачининг ўгли ва бошка мард йигитлар бор эди. Халк кўнгиллилари шахар мудофаасининг асосий кучини ташкил этган эди. Абдурахмон ясовулбоши бошчилигидаги кўнгиллилар отряди ёмгир ёғишига карамай, кун бўйи душман хужумини кайтариб турдилар. Охири рус отряди шахар четига чикиб кетишга мажбур бўлди. Бундан кейин хам Киёт махалласининг кўнгиллилари Анхорга қайта келган рус отряди билан каттик жанг килган. Бу вақтларда шахар ахолисининг ахvoli огирлашиб сувсизлик ва ташналикдан азоб чекмокда эди. Тошкентликлар ахвол огирлигига карамай, шахарни кўлдан бермасликка каттик ҳаракат килдилар. Бирок рус отряди айрим хоин кишилар оркали шахардаги ўк-дори омборини топиб уни портлатишга муваффақ бўлдилар. Бу шахар мудофаа тақдирини хал килган омиллардан бири ҳисобланади. Сувсизлик, йўқчилик ва ўк-дорилар етишмаслиги пировардида шахар халкининг тинқасини курутди. Натижада 1865 йил 17 июнда тошкентликлар душман хужумига бардош бера олмай, таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Генерал Черняев Шайхон-тохур, Бешегоч ва бошка ахоли гавжум яшайдиган жойларга тўпларни ўрнатиб дархол тинчлик сулҳи тузилмаса, шахарни ендириб ва бузиб ташлаш ҳақида эълон таркатди. Шундан кейин генерал Черняев Ҳакимхўжа козиқалон, Абулқосимжон эшон, Домулла Солиҳбек, Охун дадхо ва бошка шахар катталари билан махсус мажлис ўтказди. Бунда савдогарлар ва сардорлар хам катнашган эди. Музокара натижасида тинчлик сулҳи тузилиб ҳар икки томон аҳдномага имзо чекди. Аҳднома шахар халкининг ўз динида ва барча ишлар шариат асосида олиб борилиши кўрсатилган. Закот ва хирожлар хам шариат бўйича ҳар йилда эмас, балки ҳар ойда олиниши лозим эди. Шунингдек, ховли, бог ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари кўлида колдирилди. Аҳолидан йиллик солиқ олиниши таъқиқланди. Чакалак, ўтлок ва камишзорлардан солиқларни мутлақо олмаслик аҳдномада кўрсатилган эди. Шунингдек, ерли халқдан рус қушинига одамларни жалб килмасликка келишилди. Аҳдномага ҳар бир тўрт даҳанинг муҳри босилди. Сўнгра генерал Черняев шахар катталарига духоба ва зар ёқали чакмонлар кийдирди. Шу равишда Тошкентнинг рус давлатига таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжат расмий равишда қабул қилинди. Аҳднома тузилгандан кейин генерал Черняев шахар катталарини ўз томонига жалб этиш ва уларга таяниш мақсадида Ҳакимхўжа козиқалон уйига бориб унга қимматли совғалар ва олтин медаль берди. Сўнгра генерал Черняев Регистон растасига бориб камбагал ва гадолар орасига тангалар сочди. Урушда яраланган кишиларга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Генерал Черняев шахар мудофаасида катнашган кишиларни жазоламай, уларни қўйиб юборди. У мадрасаларга бориб ўқишларни давом эттиришни таклиф этди. Уруш вақтида бузилган уй-ховлиларни ва дўконларни тиклаш учун генерал Черняев томонидан маблағ ажратилди.

Шубҳасиз, генерал Черняев ўз таъсирини ўрнатиш мақсадида кўрсатилган тадбирларни амалга оширган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, генерал Черняев юқори раҳбар доиралари руҳсатисиз, ўзбошимчалик билан Тошкешта юриш қилиб, уни эгаллади. Бу ғалаба Петербургда зўр мамнуниятлик билан қабул қилинган бўлса-да, лекин давлат ишларида қилинган ўзбошимчалик айрим йирик ҳукумат вакиллари норозилигининг қилиб чиқишига сабаб бўлган. Бунинг устига Тошкентнинг босиб олиниши халқаро матбуотда катта

Кадимги урф-одат, таомилдан воз кечиб, кўп йиллар мансаб учун катта кишиларни ўлдириб фитначи ва игвогарлар сўзига амал қилганлар. Ўртада ноҳақ қонлар тўкилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фаргона ва Туркистон заминида кўп вақтлар ва кўпинча қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ва бебошлари ҳукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун тамоми ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб қилиб уларга шаҳарни топширдик». Қўриниб турибдики, тошкентликлар бўлиб ўтган ҳамма жанг ва воқеаларни инкор қилиб ихтиёрий равишда рус аскарларига бўйсунганликларини тан олишлари лозим эди. Қурсатилган хатнинг мазмуни баён этилгандан кейин шаҳар қатталари хайрон бўлиб турган пайтда домла Солихбек охун додхо шундай жавоб қилган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмақитгача ва бу ердан Гулжагача булган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлларига қирғиздилар. Уруш тўсатдан, муҳлатсиз ва сўвсиз олиб қорилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12 қислосигача, яъни 42 қун давомида сўвсиз, озик-овқатсиз қолдирилди. Мулла Алимқул лашқарбоши шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дин учун қаттиқ туриб, уруш-талашни давом эттириб сешанба қуни ярим кеча ўтгандан кейин шаҳарга яқин рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан фуқаро уйқудалиги қокда қирди. Шундан кейин яна урушга қиришиб пайшанба қунигача кечаю-қундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўқонлар ва уй-жойларга ўт тушиб оқ, ташна, сўвсиз яққам-яққам урушиб бўлиб охирида ярашиш сулҳи тузилди». Бу ҳақиқий аҳволни ақс эттирувчи жавоб генерал Черняевни газабга қелтирди. У домла мулла Солих охун додхо сўзига қўшилувчи қишларни бир тарафга ўтишларини буюрди. Шундан кейин шаҳар қатталаридан олти қиши жумладан, Халим-бой, Бердибой, Азимбой, Фозилбачча, Мулла Мирзаъалам охун, Мулла Музаффархўжа ва Мулла Файзилар домла Солихбек охун додхонинг сўзини қувватлаб қўрсатилган томонга ўтдилар. Бу қишлар ва Солихбек охун додхо дарҳол рус аскарлари томонидан ўраб олиниб қамокка жўнатилди. Бу ҳолат тўпланган шаҳар қатталарига таъсир этган булса қерак, улар генерал Черняевнинг айтган аҳдномасига у қурсатган мазмунда тайёрлаб беришни зиммаларига олдилар. Чунончи, Ҳақимхўжа қозикалон аҳдноми безаш ва тузишни Абдусаттор Қорабоши ўғлига топширди. Аҳднома тайёрланганидан сўнг унга шаҳар қатталари ва савдогарлари қўл қўйиб ва муҳр босиб генерал Черняевга топширилди. Генерал Черняев Солих охун додхо ва унинг ҳамроҳларини Томсқига сургун қилди. Генерал Черняев аҳдноми Абдусаид ва Ҳодихўжа номли савдогарларнинг қўлига бериб, Петербургга, подшоҳга олиб қориб беришни буюрган. Рус ҳуқумати бу аҳдноми босқинчилиқ сиёсатини бўяш ва қалқаро матбуотда шовқин-суровни қартараф қилиш мақсадида чет мамлакатларга тарқатади. Жумладан, Туркиядаги рус элқихонаси аҳднома нусқаларини қўпайтириб Истанбулдаги қўчаларга, бозорларга, дўқонларга

умуман кўзга ташланадиган жойларга етшштириб кўйилди. Шундай килиб, генерал Черняев Тошкентга бостириб киргандан сўнг икки ахдномани, яъни сулх шартлари ва хакикий ахволни бузиб кўрсатувчи ҳамда мустамлакачилик сиёсатига хос бўлган калбаки хужжат тузишга эришди.

Генерал Черняев Тошкентда юкори табака вакилларининг ихтиеридаги кулларни бўшатиш хакида фармон чикарди. Натижада, бир вақтлар уруш пайтларида асирликка олинган ёки кўчманчилар томонидан келтириб сотилган турли миллатдаги унчалик кўп бўлмаган куллар озод килинди. Генерал Черняев махаллий яхудийларни камситишга каратилган айрим одатларни бекор килди. Жумладан, яхудийларнинг белларини ип билан боглаб юриши ва белгиланган хилдаги телпакни кийишлари тўғрисидаги талаб бекор килинди.

1866 йил август ойида Рус императорининг Тошкентни Рус давлати — тобелигига олганлиги хакидаги расмий фармонни эълон килинди. 1867 йилда эса Сирдарё ва Семиреченск (Еттисув) областларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб бу мансабга генерал К. П. Кауфман тайинланди. Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази бўлиб колди.

Шу равишда Тошкент Рус давлати территориясини бир кисмига ва Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёда тўлик ҳукмронлигини ўрнатилишида муҳим таянчга айлантирилди.

Хамид Зиёев